# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 8 июль
ЯКШАНБА
№155 (4.948).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.


## Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

# АХБОРОТ

**1990 йил 6 июль куни кечки мажлисда Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби П. К. Лучинский раислик қилди.**

**Мунозараларда КПССдаги Демократик ҳаракат дастуридан Москва олий партия мактабининг ректори В. Н. Шостаковский, Россия коммунистлари Ташаббус съездидан Шверник номидаги касаба уюшмаси ҳаракат Олий мактабининг кафедра мудири А. А. Сергеев қатнашдилар.**

**Сўнгра съезд Секретариати раҳбари А. Н. Ильин КПСС XXVIII съездига юборилган хатлар ва мурожаатномаларнинг руҳи ҳақида ахборот берди.**

**Матбуот билан алоқа гуруҳининг раҳбари Л. П. Кравченко съезд ишини оммавий ахборот воситалари унчалик кенг ёритмаётганликлари; бир қанча ҳолларда эса тарафкашлик билан ёритаётганликлари тўғрисида тушган танқидий мулоҳазалар хусусида изоҳ берди ва аниқ таклифлар киритди.**

**Шундан кейин мунозара давом эттирилди. Съездда ВЦСПС раиси Г. И. Янаев, «Иностранная литература» журналининг бош муҳаррири ёзувчи Ч. Айтматов (Қирғизистон ССР), Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Э.-А. А. Силлари, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, «Братскгорстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси энергия-механизация бошқармасининг электр монтёри Г. А. Першин (Иркутск вилояти), Семипалатинск шаҳридан цемент заводининг бригадири В. С. Белоусов, Калинин «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчиси Л. П. Родионова (Калинин вилояти) сўзга чиқдилар.**

* * *

**Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди 1990 йил 7 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.**

**Эрталабки мажлисни Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси С. А. Ниёзов бошқарди.**

**Съезд қатнашчилари ҳузурида Гомель вилоятининг Хойники районидаги 2-ўрта мактаб директори В. Л. Юрченкова нутқ сўзлади.**

**Шундан кейин съездда ишлаган секцияларнинг вакиллари ахборот бердилар.**

**«Партияни янгилаш» секциясидан — Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни парткомининг котиби И. И. Мельников;**

**«Мафкуравий иш» секциясидан — КПСС Марказий Комитетининг котиби, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов;**

**«Ижтимоий-иқтисодий сиёсат» секциясидан — Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко;**

**«КПССнинг аграр сиёсати» секциясидан — Тула областидаги Ленин номли наслчилик заводи-колхози раиси, СССР деҳқонлар уюшмасининг раиси В. А. Стародубцев;**

**«Партия, Советлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар» секциясидан — КПСС Марказий Комитетининг ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудири В. А. Купцов;**

**«КПССнинг миллий сиёсати» секциясидан — КПСС Марказий Комитетининг котиби А. Н. Гиренко;**

**«КПССнинг халқаро фаолияти» секциясидан — КПСС Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири В. М. Фалин маъруза қилдилар.**

**Маърузалар тугаганидан кейин съезд музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

**Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари: СССР Министрлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг котиблари В. А. Медведев ва А. Н. Яковлев съезд қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтардилар.**

## АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

М. С. Горбачевнинг 2 июль куни съездда қилган «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» маърузаси алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти кўп нусхада чиқарди ва у «Красний пролетарий» босмахонасида босилди.

**(ТАСС).**







*

Суратларда: 1. Съезд мажлислари оралиғидаги танаффус пайтида. 2. Ўзбекистонлик делегатлардан бир гуруҳи. 3. Мажлислар залида.

ТАСС ва ЎзТАГ олган суратлар.

*

*Дала ишлари қизғин паллада*

## МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТИ

**Пахтакор райони деҳқонлари ўтган йили областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган эдилар. Миришкорлар бу йил 17,5 минг гектар ерга пахта, 600 гектар ерга сабзавот ва бошқа полиз, резавор экинлари экиб деҳқончилик қилишаяпти. Мақсад давлатга 41 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдир.**

**Бунга эришиш учун улар нималар қилишмоқда?**

Қўшни «Дўстлик» районидан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бу саволга аниқ жавоб топдилар.

— Дўстнинг ютуғи — бизнинг ютуғимиз, — деб суҳбатни бошлади «Дўстлик» район партия комитетининг биринчи котиби, ўзаро текширув бригадасининг бошлиғи Н. Қаюмов. — Яхши тажриба ҳаммага керак. Дўстларимиздан ўрганадиган томонлар ҳам бор. Ғўзалар ривожи биздагига қараганда бу ерда анча илгари. Акмал Икромов номли, «Самарқанд» ва Ульянов номли совхозларда уч-тўрттадан бўлиқ кўсак санадик.

Кичанов номли совхозда бу йил 4.880 гектар майдонда деҳқончилик қилинмоқда. Шундан 3.348 гектари пахта. 33 гектарга эса сабзавот экилган. Экинларнинг умумий ҳолати яхши. Ғўзалар текис гулга кириб, шоналамоқда. Беданинг учинчи ўримига тайёргарлик кўрилмоқда.

Сувчиларга дала тепасида қўлбола чайлалар қурилган. Бу ерга иссиқ овқат етказиб берилмоқда. Ёритгич ва бошқа керакли анжомлар билан таъминланган.

Аммо камчиликларни яшириш, дўстга хиёнат билан баробар. Бригада аъзолари бепарволик оқибатида йўл қўйилган нуқсонларни ҳам аниқладилар. Айрим хўжаликларда ғалладан бўшаган ерлар шудгорланмаган, сомонлар сочилиб ётибди. «Самарқанд» совхозидаги 12 гектар ғўза чанқатиб қўйилган. 2-, 7-, 8-бригадаларда ўргимчак кана тушган пайкаллар бор. 35 гектарлик беда ўрилгану аммо йиғиштириб олинмаган. 1-, 5-, 8-бригадаларда турли баҳоналар билан бедага сув тараш кечиктирилмоқда.

Айрим хўжаликларда кўчат сонининг кўплигига эътироз билдирилмади. Чунки бу тажрибанинг ҳам ижобий томонлари бор, дейишди.

Мусобақадошлар тупроқ унумдорлигини сақлаш учун иккала районда ҳам органик ўғитлардан фойдаланиш кўнгилдагидек эмаслигини қайд этдилар.

Мусобақадош район деҳқонларининг аҳди — зарбдор меҳнат қилиш. Ҳа, чилланинг ҳар дамини ғанимат билиб меҳнат қилган, ғўзалар атрофида парвона бўлган, экиннинг суви ва озуқасидан хабар олган пахтакоргина кузда кўзлаган ҳосилини олади.

Текширув якунлари Кичанов номли совхоз дала шийпонида атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда область партия комитетининг котиби Ҳ. Ашурқулов ҳамда Пахтакор район партия комитетининг биринчи котиби Б. Тожиев ўртоқлар иштирок этдилар.

**П. НИШОНОВ.**

**Жиззах вилояти.**

## ҚИРМИЗИ ДОНДАН УЛКАН ХИРМОН

Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози — шоличиликка ихтисослаштирилган йирик хўжалик. Меҳнат аҳли ҳар йили давлатга кўп миқдорда қирмизи дон етказиб бермоқда. Жумладан, бултур 3.250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54,6 центнердан шоли саранжомлаб олинди.

Дала ишлари ўзаро социалистик мусобақа асосида йўлга қўйилган. Меҳнат беллашувида Ҳусанбой Мирзаев бошлиқ бригада илғорлар қаторида бораяпти. Аҳил жамоа ўтган йили 3-бўлимдагина эмас, балки совхозда энг юқори натижага эришди. Бошқача айтганда 136 гектар шолипоянинг ҳосилдорлиги ўртача 41 центнер ўрнига 56,9 центнердан тушди.

— Касбимизнинг ўзига хос қийинчиликлари бор, — дейди бригада бошлиғи Ҳ. Мирзаев. — Баъзилар шоли уруғини қадагандан сўнг иш қолмайди деб ўйлашади. Тўғри, экиш-тикишни сифатли ўтказиш ҳам муҳим. Лекин ниҳол парваришини агротехника талаблари асосида ташкил этмасанг, сувини, ўғитини вақтида бермасанг, кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, жамоа жамики ишни уюшқоқликда бажараяпти. Сувчилар Жўрақул Ойнақулов, Равшаной Ойнақулова, механизаторлар Очил Ойнақулов, Қодир Ҳошимов, ишчилардан Тоштемир Маматов, Суюн Ҳайдаров айниқса ўрнак кўрсатишмоқда.

Совхознинг бошқа бригадаларида ҳам дала ишлари тобора қизитилмоқда.

**Б. ТЎРАЕВ.**

## БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛДИ

Уйчи районидаги «Комсомол» колхози «ВЛКСМ 60 йиллиги» участкасининг боғ ва токзорлари Кесканёр адирликларида жойлашган. Жамоа меҳнаткашлари Озиқ-овқат дастури ижроси йўлида астойдил меҳнат қилиб, ҳар йили шаҳарликлар дастурхонига сархил мева ва узум тортиқ этмоқдалар.

Бу йил соҳибкорлар 330 гектар боғдан 160 тонна мева, 321 гектар токзордан 2.150 тонна узум етиштиришмоқчи. Шу ниятда улар эрта баҳордан бошлаб ғайрат кўрсатдилар. Агротехника тадбирлари қулай муддатларда сифатли ўтказилди. Қилинган зўр меҳнат ўз самарасини берди. Мевалар ғарқ пишди. Ҳозир уни узиш ва давлатга топшириш жадал бормоқда.

Беллашувда Дадамирза Ҳожимирзаев бошлиқ бригада боғбонлари пешқадамлик қилишаяпти. Улар бугунга қадар савдо шохобчаларига 125 тонна ўрик, шафтоли ва олхўри етказиб бердилар. Бу соҳадаги топшириқ ошириб бажарилди.

— Тасарруфимизда 35 гектар токзор ва 3 гектар боғ бор, — деди бригада саркори Дадамирза Ҳожимирзаев ютуқлар сирини ўртоқлашиб. — Жами майдон 28 нафар пудратчига бўлиб берилган. Авваллари дарахтларга шакл бериш, токларни кўмиш ва очиш, қатор ораларини юмшатиш, озиқлантириш, суғориш талаб даражасида ўтказилмасди. Оқибатда боғлар ва токзорларни бегона ўт босиб, ҳосил кушандаларга ем бўларди. Сабаби — моддий манфаатдорлик паст эди. Янги усулда ишлашга ўтилгач, соҳага муносабат тубдан ўзгарди. Қуронбой Ўринов, Аҳмаджон Абдуллаев, Толибжон Каримов бошлиқ ва бошқа оилавий звеноларда айниқса кутилганидан зиёд мева ва узум етиштирилди. Ҳар куни 12,5—13 тонна мева саранжомланаяпти. Бунда Исоқжон Асқаров, Носиржон Худойбердиев, Абдукарим Узоқов каби теримчилар алоҳида намуна кўрсатаяптилар.

Хўжаликнинг Турдиқул Авазбеков, Тўрабой Жўраев, Умархон Саидвалиев, Зокиржон Сотиболдиев бошлиқ бригадаларда ҳам мева узиш ва давлатга топшириш авжида.

**З. ҲАҚБЕРДИЕВА,**
**А. ЮСУФБОЕВ.**

# АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ ТИҒИ ОСТИДА

5 июль куни КПСС XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Россия Федерациясида миллий масаланинг ўткирлиги ССР Иттифоқидагидан кам эмас, — КПСС Марказий Комитетининг котиби **Г. И. Усмонов** ўз нутқида эътиборни ана шу фикрга қаратди. Лекин бу масала Россияда кўп жиҳатдан бошқачароқ турибди, миллий ва миллатлараро муаммоларнинг ўзига хос хусусияти ва алоҳида тарихий мазмуни бор. Ҳамма жойда бўлгани каби миллий ўзлигини англаш жўшқин ва ғоят зиддиятли бормоқда. Россия халқларининг анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ҳозир бошқа миллатларга тоқат қила олмаслик хуружлари чигаллаштирмоқда. Мумкин бўлган ва ҳозироқ намоён бўлаётган танглик вазиятлари ўчоқлари муттасил ўзини эслатиб турибди. Булар Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Шимол халқларининг экологик ва этник фожиаси, кўчириб юборилган халқларнинг, ўн минглаб қочоқларнинг фожиасидир. Мана энди эса — Тува...

Мана шу тугунларнинг ҳаммасини бирданига кесиб ташлашни талаб қилаётган қизиққон кишилар оз эмас. Менимча, деди сўнгра нотиқ, пухта ўйланган, изчил, нозик ва доимий иш лозим. Унда асосий қоида — буйруқбозлик - маъмуриятчилик тафаккури кўринишлари билан зарар етказмасликдир.

Икки миллион совет немислари муаммосини олиб кўрайлик. Аслида бу муаммо боши берк кўчага кириб қолди. Ундан чиқиш йўлларини немис жамоатчилиги вакиллари билан биргаликда изладик ва бу йўлни топгандаймиз. Унинг моҳияти қуйидагича. Волга бўйида жумҳурият тузиш тўғрисидаги масалани кун тартибидан чиқариб ташламаган ҳолда совет немисларининг территория билан боғлиқ бўлмаган уюшмасини тузиш ҳамда унга олий ҳокимият органларида вакиллик, маориф, маданият, кадрлар тайёрлаш ва шу каби йўналишда ҳукумат структураларини тузиш хусусида мухтор жумҳурият ҳуқуқини бериш таклиф қилинмоқда. Уюшма ҳузурида ижодий уюшмалар, бошқа жамоат ташкилотларини тузиш мумкин бўлади.

Нотиқнинг фикрича, ишлаб чиқилган бу йўл немислар муаммоси доирасидан ҳам ташқарига чиқадиган аҳамиятга эгадир. Бу йўл СССРдаги кўпгина халқлар учун миллий турмушни ташкил этиш намунаси бўлиб қолиши мумкин. Чунончи, совет корейслари миллий уюшма қоидасини маъқуллаб жорий этдилар. Шимол халқлари съездида уюшманинг ўзига хос варианти рўёбга чиқарилди.

Нотиқ Россия суверенитетига тўхталиб, бу ғояни амалда рўёбга чиқаришда ғоят эҳтиёткор бўлиш лозимлигини айтди. Акс ҳолда Россияга ва русларга қарши кайфиятларнинг мислсиз хуружига дуч келиш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг котиби бозор иқтисодиёти ғоясини ижобий баҳолаб, делегатларнинг эътиборини бозор миллий муносабатларининг бутун мажмуига таъсир этиши мумкинлигига қаратди. Бундан келиб чиқадиган хулосалардан бири шундаки, етарли даражада пухта ўйланмаган амалий ҳаракатлар миллатлараро зиддиятларни кучайтириш ва марказдан четлашиш тамойилларини авж олдириб юбориши мумкин. Яхши ривожланган ва унча ривожланмаган регионлар ўртасидаги тафовутнинг кучайиши реал хавфи мавжуд бўлиб, иқтисодий тенгсизлик сўзсиз равишда миллатлараро зиддиятларни кучайтиради. Шу сабабли нотиқнинг фикрича, баъзи бировларнинг фикр ўйларига қарамай, аввал бошданоқ «бошқариладиган бозор» тушунчасидаги биринчи сўзга урғу бериш ва шу йўл билан одамларнинг социалистик қадриятлар руҳидаги ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш керак.

Нотиқнинг фикрича, Россия Федерацияси учун ўз моҳияти билан КПСС Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган ва айни вақтда уни Россиянинг ўзига хос хусусиятларига татбиқан ривожлантирадиган ва конкрет тус берадиган ўз ҳаракат режалари зарурдир. Фақат миллий масала хусусидагина программа зарур эмас, аслида у жумҳуриятда яшайдиган юздан ортиқ элатларнинг ҳар бири юксалиши дастурлари йиғиндиси бўлиши керак.

Нотиқ мухториятларнинг ҳуқуқий ва сиёсий мақоми хусусида фикр билдириб, бу масалани ҳал этишнинг бирдан-бир йўли мухтор жумҳуриятларнинг иттифоқ федерацияси субъекти — социалистик давлатлар сифатида қонун билан тан олинган мақомидан келиб чиқиб, шартномавий конституцион воситани ишлаб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг котиблари нутқларидан сўнг жуда кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Сўнгра партия миллий сиёсатининг кенг доирадаги хилма-хил масалалари юзасидан очиқ ва ўткир мунозара бўлди. Сўзга чиқиш учун 50 дан ортиқ киши ёзилганлиги бу масалаларга нақадар қизиқиш билан қаралганидан далолатдир.

Муҳокама қатнашчилари диққат-эътиборни мамлакатдаги миллатлараро муаммоларга қаратдилар, партиянинг дастурий баёноти, КПСС Устави лойиҳаларига ўз муносабатларини билдирдилар.

Делегатлар турли регионлардаги миллий муносабатларнинг тарихий жиҳатларини муфассал таҳлил этиб, уларга холисона баҳо бердилар. Ҳозирги пайтдаги миллатлараро можароларнинг манбалари Сталин даврида миллий сиёсатда йўл қўйилган бузилишлардир. Секция мажлисида шу съезддаёқ И. В. Сталинни КПССдан чиқариш тўғрисида таклиф киритилганлиги бежиз эмас.

Агар партия Совет ҳокимиятининг 70 йилдан кўпроқ тарихи давомида миллий муносабатлар соҳасида ленинча қоидаларга аниқроқ амал қилганида эди, ҳозир ижтимоий турмушда кўпгина ўткир ҳодисалар умуман юз бермаган бўларди, деган фикр айтилди.

Делегатлар баъзи регионларда юз берган кескин миллий вазиятда мамлакатнинг давлат ва партия раҳбариятининг айби кам эмас, деб ҳисобламоқдалар. Раҳбариятга, айниқса сўнгги вақтда, уларнинг фикрича, қатъийлик ва принципиаллик, ишларнинг аҳволини ўз вақтида пайқаб олиш маҳорати етишмаяпти.

Ҳозирнинг ўзидаёқ миллатлараро муносабатлар аниқ белгилаб қўйилган иттифоқ шартномаси асосларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тезлатиш муҳим деган фикр кўпгина нутқларда эшитилди. Биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари, ўз территориал тузилмаларидан ташқарида яшовчи майда миллатларнинг ҳуқуқларини оғишмай ва сўзсиз таъминлашни амалга ошириш воситасини ишлаб чиқиш зарур, Нотиқлар майда миллатларнинг тақдирига Президент таъсирини кучайтириш керак, деган фикрни айтдилар.

**(Давоми иккинчи бетда).**

